

Хилол ёгдуси. Бир оз титраб, кенг ховлига тушади, куёшга каратиб солинган айвонни ёритади. Томорка четидан окиб ўтган арик ёкасида эса каттакон ёгоч гилдирак айланади. Бу чигир.

У ўзининг гирдига айлангириб боғланган хумдек челақлари билан улкан ариқдан сув чиқаради. Обдови пастга йўналтирилган новдан полиз экинларининг жўяқларига, деворнинг нарёгидаги далаларга H₂O оқади. Ер сув ичади. Тун ярмидан ошганда чигир тўхтади. Фалакдаги хилолдан унинг уйкусига тушлар энади.

* * *

Шахар фавворасининг шалолалари отилиб тушган мармар ховузлар ичидан... тоғлардаги шаркирок ирмоқлар кучоқлаб оккан харсангтошлар орасидан... тип-тиник кўл бўйидаги пляжнинг шагал тўшалган киргогига... улар югуриб чиқиб келишади — кора сочи йигитча билан зар кокилли кизгина. Иккисининг оккуш каноти мисол кенг ёзилган кулочларидан таралар — камалак, камалак, камалак...

* * *

Икки айгир ва бир ахта от туёқлари остида чакир тошлар шикирлайди. Помир этаклари. Ёш техник-топограф олга бораётган сўкмок. Ха, айтмокчи, бу менинг ўзим. Ёнимда хамроҳларим Анвар ва Боря — ер сатхини ўлчаш учун даражаларга бўлинган махсус таёқларни кўтариб юривчилар. Эгарга осилган копларда отларнинг еми — сули. Яна уч киши ўн кун ейишга мўлжалланган консервалар ва котган нон. Аммо гап бунда эмас. Гап шундаки, тоғда кун жуда тез ботади. Коронгуда эса, ўру даралар орасидан биронта булокни излаб топиш амри махол. Тўсатдан кун иссигида чанкаган уч от гижинглаб ўзини сув тўла новга урди. Тоғлик сангтарошлар ясаган ушбу тош нов ичига учта от тумшугини сукиб, бўккунича сув ичди. Холбуки, отларни бундай сугориш мумкин эмас. Ўрга чиқишда терлаган жониворлар устидан жабдугини олмасдан айилини сал бўшатиб кўйиб, бир-икки соат совутиш лозим. Сўнгра канча сув ичса хам бўлаверади. Аммо каёқда? Бу холатда сувдан бошка хамма нарса хаёлимиздан кўтарилган эди. Кизиги, бизнинг ўзимиз хам эгардан туша сола бошимиз билан тош булокка “шўнгидик”. Бундай сув ичиш бизга хам, отларга хам халокат келтириши мумкин эди. Натижада 32-топографик бўлинма рахбарияти прокуратурага бизнинг гурухимиз шахсий таркиби ва отларнинг ўлими хақида далолатнома ёзиб топшириш учун кўп нарсани тўкиб ёзиши керак бўларди. Устига устак, Воробей ва Фестивал — биз айгирларни шундай атар эдик — сув ичиб бўлиб, бир-бири билан олишиб кетишди. 32-бўлинма рахбарияти мендек бир

ёш болага икки айгирнинг такдирини ишониб топшираётганида кандай “яхши ва ширин сўзлар” билан сийлашганини эсладим. Энди нак балога коламан деб ўйладим. Хатто Барковнинг “мулойимгина” нигоҳини танамда хис эта бошладим. Хайрият. Боря билан Анварга раҳмат. Улар айгирлар жангини тўхтатиб қолишди.

Хар биримиз ўз чодирчамизда соат бешга кадар тош котиб ухладик. Тонг-сахарда эса куёш нурлари бизни уйготди. Хаммаси яна янгитдан бошланди. Белгиланган нуктага кадар — ярим кун. Теодолит билан ишлаш — ўн минут. Навбатдаги нуктага кадар эса — яна ярим кун. Хув пастликда ўйноклаб оқаётган дарёча кўринади. Факат сувнинг шовкини бизга эшитилмайди. Бизнинг хам, отларнинг хам лабларимиз ковжираган. Ташналик. Ташналик.

Ўн кундан сўнг қароргоҳимизга қайтганимизда эса, ўзимизни отнинг устидан таппа ташлаб дарёга югурдик, ётиб олиб сув ичдик. Ютокиб ичдик. Узок ичдик. Шундок юзимизга, киприкларимизга тегиб турган сувга қараганимизда, дарё сароби янглиг, бу дамдан миннатдор нигоҳлар... отлар бизга бокиб турар эди.

* * *

Ранг-баранг камалак, қуриётган Орол. Халокатга юз тутган денгизни қутқариш учун ҳаракатлар бошланди. Бирок балиқлар ва кемаларнинг кумларда қолиб кетган устихонларига қайтадан “эт” битмайди. Планета фожеаси. Рус донишмандларидан бири денгизни қутқариш учун “Шимолий Муз океанидан айсбергларни вертолётларда ташиб келтириб, Орол хавзасига ташлаш зарур”, деди.

Нақадар донишманд у. Илья Муромец. Уйгонди-я. Анастезия, азизим, меҳрибоним, қайдасан? Уни яна саккиз юз йилга ухлатиб қўйгин.

* * *

Сув, сув...

Бурун онам мени “Ўн уч” деб номланган бадиий филмни томоша қилишга олиб борганди. Ушбу “лента” ҳаётимнинг ўн тўрт ёшдан ўн тўққиз ёшгача бўлган йилларини башорат қилишини қаёқдан билибман ўшанда. Ха, майли. Экранда қизил армиячилар от чопдиради, чўлда босмачиларни таъкиб этади. Бунинг менга нима алоқаси бор? Э, йўк, Қизилкум чўллари болалигимда сув ҳақидаги кинони бежиз томоша қилмаганимни эслатиб қўйди.

* * *

У ёкда, икки ўсмир-ёшнинг огушидаги камалак жилолари ортида чўлнинг сароблари сузади.

Наримон Саидгараев, Толик Слученко, Илюша Цой, албатта улар билан биргаликда камина, кизил рангли кумлар оралаб бораяпмиз. Ўлгудек чанкаганмиз. Бирданига ёниб ётган осмонга тутшиб кетган барханлар орасидан триангуляцион пунктнинг учбурчак ёгоч минораси тагидан кудук чикиб колди. Яхшиям суви куриб колмаган. Зўр! Занжир ўралган галтак кўндогини айлантирамиз. Кудук тубига етганда пакир шараклаб сувга тегади. Кўзларимиз чакнаб кетади. Сув тўла челакни тортиб чикараётган галтак гичирлайди, занжир шикирлайди. Нихоят мана — кўзимиз тўрт бўлиб кутган пачок пакир. Лиммо-лим сув. Аммо ириб кетган сувнинг сассигидан ўзимизни оркага ташладик. Ха, бундай сувга кўл теккизиш хам хавфли. Хозиргина кўлимизга ушлаган пачок пакирни кудук яқинидаги кўхна кабрларнинг нафаси тўлдириб тургандай эди.

Осмондан +50, куёшдан эса +70 харорат киздиради. Чўлнинг ховури бижирлаб турган ерда кичкинагина водий, кўйлар суруви ва ўтов пайдо бўлди.

— Ака, сув борми?

— Йўк...

Биз холдан тойганмиз. Чўпон эса бамайлихотир сўз котади:

— Айрон бор.

Ўтовнинг орка томонидаги ер тагидан муздек айрон тўла меш келтирилади. Худога шукур! Сопол косага кулкуллатиб нажот куйилади. Биз акл бовар килмайдиган ва зорикиб қутилган ичимликни сипкорамиз.

Чўпон айрон эвазига хеч нарса сўрамайди. Миннат килмайди. У ўтов ичидан югуриб чиккан болаларига мамнун бокади. Мен эса хайратдан ёкамни ушлаб коламан. Тасаввур киласизми — кора сочли кизчалар, сарик сочли ўғлонлар. Уларнинг оркасидан чопоннинг хотини чиқади. Немис аёл. Беихтиёр ох деб юборасан. Бўғзимдан шу сўз отилиб чиқди: “Ох!”

Чўпон кайси миллатдан эканини билмадим. Балки ўзбекдир, киргиз ёки козокдир... Бунинг ахамияти нима?

Аммо айрон... У бизнинг жонимизни киритди. Одамнинг яхшилиги менингдек ўн етти яшар йигитнинг юрагида колди.

Мен сенга таъзим киламан, чўпон!

* * *

Ечими мушкул сув муаммоси. Ох, ечими мушкул! Унда ойнадаги каби одамларнинг калби акс этади.

Ўзини машхур шоир деб билувчи танишларимдан бири “темир панжаралар” даврида комсомол ходими сифатида турли мамлакатларга сайр этиб юради. У саёхатчилар автобусида Адриатика томонга елар эди. Шуни айтиш керакки, ўша шоир мутахассислиги бўйича врач эди. Худди Чехов мисоли, тушунаяпсизми? Тўсатдан ўша

автобусда кетаётган саёхатчи аёллардан бирининг тоби кочиб, ахволи огирлашиб колди. Шуни аник биламанки, уни куткариб колиш учун сув зарур эди. Бахтга карши ҳеч кимда бир култумгина сув топилмади. Хайдовчи газни охиригача босди. Аёлнинг хаёти хавф остида колган эди-да. Худога шукур, хайдовчи ўз вақтида бир югослав кишлогигача етиб келди. Кискаси, аёлни ўзига келтириб олди. Сўнгра автобус маршрут бўйича ўз йўлида давом этди. Менинг халиги танишим — шоир ва врач — сумкасидан бир шиша идиш чикариб, копкогини очди ва бемалол кока колани гўлтиллади ича бошлади. Автобусда кетаётганларнинг хаммаси унга караб котиб колишди. Бошкалардан олдинрок ўзига келган кимдир сўқинди:

— Аблах экансан...

— Сиз сув сўрагандингиз-ку, — деди кўк кўзларини милтиллади врач-шоир.

Мана сизга H₂O! Мана сизга Гиппократ касами! Мана сизга виждон, одамгарчилик ўлчови!

Ха, ўлчов.

Ушбу ўлчовга нафрат туфайли эфир радио ва телевидение дикторларининг хавотирли овозлари билан тўлмаганмикин? Шу боис газета-журналлардаги фожеавий фоторепортажлар кўзимизга игнадек санчилмайдими?

“Хитойда тўфон. Одамлар кўчирилмоқда...”

“Тайга ёнмоқда...”

“Ставрополда сув тошкини... Кудукларга балчик тўлиб колган... Ичимлик суви йўк...”

Эшитмаслик, кўрмаслик мумкин эмас. Сибирда — Венеция. Кўркувдан хурккан сигирлар ортилган чандолалар — кайиклар. Хой, Америка, БМТ, Европа, Хиндистон — менинг тахликали дунёим. Террор, зўравонлик, миллиардерлар, тиланчилар, шоу-безорилар билан тўлган дунё!

Тушуниш кийин сени, Она сайёра!

Кандай гунохимиз учун жазоланаяпмиз? Шахарлар сувга гарк бўлмоқда, ўрмонлар эса, ё Алхазар, аланга ичида. Ёнгинни ҳеч нарса билан ўчириб бўлмайди. Махсус самолётлар етмайди. Бу не хол? Етар, бас. Худони безовта килишга қандай ҳакким бор? Балки менга ҳам, сенга ҳам, ҳаммамизга ҳам аклимизни ишлатиб илох инъом этган кудукка тупуриш мумкин эмаслигини англаш фурсати етганмикин? Жанг килиш керак эмас, ишлаш керак. Ахир вақт бешафкат — хаёт ганимат. Сен ҳам, мен ҳам, хатто диний конфессиялар ва ер юзи давлатлари раҳбарлари ҳам буни унутмасликлари зарур. Мана, нефт билан захарланган денгизлар, радиоактив тўлқинлар киргокка чикариб ташлаган делфинлар, кислота ёмгирлари. Буларнинг барчаси бизнинг — одамларнинг килмиши. Шунинг учун сув ҳам гоҳ дарё ва денгизлардан кочиб, гоҳо сахар ва кишлокларни гарк этиб, исён кўтармоқда.

Юлдузга урилди чап ёндан кема,
Палубага қадар гарк бўлди ўнг ён.

“Кемага тушганнинг жони бир”, демак —

Икков пичоклашса, фалокат аён.

Ўзаро курашдик. Компасни, эссиз,

Синдирдик. Кемада кон тўқдик нахот.

Яна қасд олишни ўйладик-да, биз

Кемани асрашни унутдик, хайхот!
Шамол кояларга окизар бизни,
Бўгзимдан отилиб чиқади нидо:
Нахот халок этсак ўз кемамизни?!
Авлодлар кемадан бўлурми жудо?!
Палубани сувга гарк этар уммон,
Кеманинг тумшуги тикилар лойга.
Мачтада бир маймун югурар нолон
Гўё икки кўллаб ёпишар ойга.
Хайкирсам, товушим эшитилмас ҳеч,
Елкан аркониға тупураман кон.
Худойим! Нахотки, нахот энди кеч?
Аклу хуш бер! Махкум этма, Художон!
Дегандинг, ога-ини эрур одамзот,
Дунёда ёвузлик килма ҳеч қачон.
Афсуски, мени ҳам қаргаган ҳаёт,
Пичогим сопида қотиб қолган кон.
Энди юлдузларга қилурмиз юриш...
Йигла, эй, она ер — эй азиз ошён!
Яна авж олмоқда ўзаро уруш,
Яна авж олмоқда кутурган тўфон.
Елқандек сузади қўқда булутлар,
Штурвал чамбари қамалакка банд,
Эй, она сайёра, эсимиз йўқ-да,
Ақлсизлигимиз сенга берур панд.

* * *

Хайронман.

Ёввойи табиатда ашаддий қурғокчилик палласи бошланганида қоплонлар ҳам,
йўлбарслар ҳам, шерлар ҳам, энг мухими, антилопалар ҳам суви сақланиб қолган ягона
дарё бўйига келишади, бир пайтнинг ўзида ёнма-ён туриб сув ичишади. Антилопалардан
ҳеч бири қочмайди, йирткичлардан ҳеч бири уларга ҳужум қилмайди. Бу даврда сув
хамма хайвонларни яраштиради. Қандай яхши-я? Бас шундай экан, биз инсонлар
бир-биримиз билан ярашмоғимиз учун нахотки бутун ер юзи қурғокчилиги зарур бўлса?
Ёки иккинчи жаҳон Тўфони? Эҳ, хом сут эмган банда!
Энди тушунарлими...

* * *

Сув... У билан боглик бўлган деярли барча нарсани яхши эслайман. Шунинг учун армиядаги хизматдошимга мактуб йўллаймаман. Конвертга эса, менинг чигирим тушига кирган камалакни ёпиштираман.

“Азизим Юра! Азизим Будасов! Менинг кавказлик дўстим — инглиз тили билимдони ва аккордеонда ўйнаш устаси, омонмисан? Билмадим, ушбу сатрларим сенинг Пятигорскинггача етиб борармикан? Балки юлдузлар аро кўприклар восита бўлар? Биласанми, мен бу ерда сув устида доиралар чизаяпман. Мана, дахшатли ва садокатли икки кунни эсладим. Бири, биз — муддатли харбий хизмат аскарлари йўл-кўприк ротаси йигитлари билан биргаликда Тожикистондаги Кофарнихон дарёси узра понтон-кўприк ўтказган февралнинг корли куни. Иккинчиси эса, Туркменистон чўлларида ўтказилган харбий машқларда “совковой лопатка” билан кумни жазирама осмонга караб отган кунимиз. Бу ишни соат 14.00 гача катта чуқур казиш ва унга ўшандок катта резина бассейн жойлаштириш учун бажаргандик. Сўнг ўша бемаъни чуқурда катта юлдузли кўмондон чўмилишига мўлжалланган совук сув билкиллаб турар эди. Ха билкиллаб турарди. Ана шу H₂O да генерал лаззатланар эди. Эслайсанми? Биз эса бир ой давомида хар биримизга берилган аскарлик иш хакини — уч сум пулни чангаллаб, лимонад ва пива сотиб олиш учун офицерлар дўконига югурардик. Сўнгра бу икки илик ичимликни сувдонга солиб аралаштирар ва сомонча оркали тортардик. Мазкур ичимликка “Кашшоклар насибаси” деб ном кўйгандик. Хеч киси йўк, машқда кийин бўлса, жангда зафар козонасан.

Ўша воқеаларни эслайсанми, Юра Будасов? Армиядош дўстим, соғмисан?”

* * *

Йўк, менга етти рангли камалак орасидан Африка китъасидаги улкан Сахрои Кабир кўринаётгани йўк. Менга кичкинагина мамлакат кўринаяпти. Менинг қадимий аждодларим оркали у билан хеч қандай умумий богликлигим йўк. Олис, тўғрироғи қадимий. Исроил деб аталади. Чўлдаги курук охактош устида, инсоннинг пешона тери ва меҳнати туфайли яшил майсалар ва палмалар кўқарганини, тоғ ёнбағирларида арчазорлар ва мандарин боғлари яратилганини гапирмай кўя қолай... Мен бу ҳақда эмас, мен H₂O хақида гапирмокчиман. Майдони атиги Тошкент вилояти ҳудудига тенг келадиган бу мамлакатни учта денгиз ўраб туради. Бирок денгизнинг суви шўр-да. Денгиз сувини шўрсиэлангиришга кетадиган маблаг эса, Туркиядан чучук сув сотиб олишга нисбатан киммат. Хар бир уйнинг томида ёмғир сувига мўлжалланган хайхотдай идишлар. Томчилаб сув йигишади. Ягона чучук сувли кўл — Кинерет ҳам қор ва ёмғирларга махтал.

Бутун мамлакатдаги унитазларга, кечирасиз, иккитадан мурват кўйилган. Биридан камрок сув кўйилади, иккинчисидан кўпроқ. Албатта, хисоблагич асбоб ҳам ўрнатилган. Далаларни томчилаб сугориш хақида гапирмай кўя қолай. Айтгандай, томчилаб сугоришни йўлаб топган одам илгари Тошкентда яшарди. Албатта, бу шаҳарда у

одамдан ташкари шўро амалдорлари ҳам яшашарди. Ўшалар олимнинг таклифини когозбозлик денгизига гарк этиб юборишди. Шундан сўнг у кетиб колди. Ўша амалдорларнинг меросхўрлари эса, оддий солик тўловчилар, мен ҳам шу жумлага кираман, солигидан тушган маблаг эвазига Якин Шарк мамлакатларидан томчилаб сугориш технологиясини сотиб олишди.

Нима дейсан, чигир? Гапим нотўғрими? Чигир жавоб бермайди. Камалакли тушлар кўради.

* * *

Ниагара! Мана, каерда сув мўл! Арктика, Антарктида! Муз — хохлаган нарсанг билан кўшиб е уни.

Зилзиладан сўнг “Ёш гвардия” кинотеатрини кандай бузишганини ҳамон эслайман. гаройиб манзара! Дастлаб реклама тахталари копланган бахмал пардалар учиб кетади. Сўнг хар эхтимолга карши ўша витриналарнинг бахмал пардалари ортидан Сталиннинг бюсти ўша кунларда чанг-тўзонда колган менинг Тошкентимга бокади. Кичкинагина бюстча. Битта эмас. Улар катта хайкал атрофида айлантириб кўйилган. Улар нимага бокишар эди? Табиий офат туфайли куриб колган ариклар, хувиллаган ерга бокишарди.

Сувсизликдан бўм-бўш ариклар атрофида ер тагидан ёриб чиккан янтоқларнинг тиканакли нишлари юракка санчилади. “Сув — бу хаёт” — бу баландпарвоз шиор эмас, балки сокингина, аммо чин хакикат. Ахир биз илгари тип-тиник Салордан камиш дастали кармоқлар билан кумушдек хонбалик (маринка)ларни овлардик. Балик шунакаям зўр эдики. Бу гапни мен тасодифан ушбу сатрларимни ўкиб колиши мумкин бўлган ёшларга карата айтаяпман. Бу балик Салорда бор эди, ха, бор эди. Салор тўлиб-тошиб окарди. Биз футбол ўйнаб кизиб кетганимиздан сўнг ётиб олиб сув ичадиган арикларчи? Бу ариклар бетон ўзансиз ҳам булоқдек мусаффо ва тоза эди. Биз юзимизни арик сувига ботирганимизда эса, митти-митти баликчалар хар ёнга караб сузиб кочарди. Хамма хар бахорда бу арикларни тозалашга чикарди. Турли белкураклар, паншахалар, кетмонлар билан арик казардик. Хеч ким мажбурламасдан, илтимос килмасдан бажарар эдик бу ишни. Ўзимиз.

Озгина фурсат бор... Озгина вакт бор...
Ажрашурмиз, бокиб куёшга сўнг бор.

Гина-кудрат килмай, богда юрурман,
Новдасин синдирмай мева терурман.

Йўкотганларига бўлиб интизор,
Дарахт, майсалар ҳам чекурлар озор.

Зилол булок... Биллур каби мафтункор,
Тиник сув тубида барглар накшинкор.

Кунботарда кушлар сайрар жўровоз,
Тиз чўкиб дарёга сажда килмок соз.

Хориб-чарчаганда дам олмок даркор,
Жуда кўп фурсат бор... Жуда кўп вақт бор.

* * *

Чигирнинг камалаклари, тушлари тугади. Энди ишга. Уйкудан уйгонган гилдирак секин айлана бошлайди. Ёгоч новга тушларнинг колдиги каби томчилар томчилайди. Улар ҳамон камалак тусда.

Ниначининг шаффоф канотлари. Улар киргоқдаги киёклар узра тек котади. Катта арик тўлиб сув оқади.

Худоё худовандо, насибамизни зиёда килгин. Сувимиз хамиша мўл бўлсин. Ўгил-кизлар доимо чигир ёнида турсин.

— Йўк, — дейди менинг навкирон дўстим, — йўк шлангни водопровод жумрагига улай олмайман. Ана, арик. Жўякларимни челақда сув ташиб келиб сугораман. Яхшиси чигир яшаш зарур.

Сўнгра бироз сукут саклаб, хўрсинади:

— Арикда сув бўлганида эди...

Киссадан хисса:

— Бузук кран жумрагидан H₂O беҳуда томчилаб турганини кўрсам, коним кайнаб кетади. Сув йўкликка, номаълумликка кетиб исроф бўлмокда, ахир!

Рус тилидан Рустам Мусурмон таржимаси